



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 12 март, чоршанба

№20 (11.511)

Эркин нарҳда сотилади

## ХОМАШЁ МАСАЛАСИ ҲАМИША ДОЛЗАРБ

**Барқарор фаолият кўрсатаётган Бекободдаги "Ўзмет-комбинат" акциядорлик ширкати чикариш бирашмаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Янги йилнинг дастлабки икки ойида ҳам юқори натижалар қайд этилди.**

Шу вақт оралиғида 73 минг 243 тонна пўлат эритилди, истеъмолчиларга 66 минг 264 тонна металл пакети етказиб берилди. Экспорт ҳажми орди. Корхона иккиламчи хомашё билан таъминлаш муаммоси ҳукумат доирасида ижобий ҳал этилаётгани ана шундай яхши натижалар бермоқда.

Шу вақт оралиғида 73 минг 243 тонна пўлат эритилди, истеъмолчиларга 66 минг 264 тонна металл пакети етказиб берилди. Экспорт ҳажми орди. Корхона иккиламчи хомашё билан таъминлаш муаммоси ҳукумат доирасида ижобий ҳал этилаётгани ана шундай яхши натижалар бермоқда.

Илгирликда корхона иккиламчи металл хомашё билан таъминлаш бўйича ҳукумат топшириғи ортиги билан бажарилгани қайд этилди. Мамлакатимизда корхона хомашё билан таъминлаш имкониятлари барча ҳудудий бошқарув органлари томонидан фаол ишга солинди. Шу йилнинг биринчи мартига қадар металлургия учун 105 минг тонна хомашё захира қилиб қўйилди.

**Н. ДУШАЕВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.**



## Юртимизда баҳор нафаси

**Ангренда анъанавий баҳор байрами - Наврўзга катта ҳозирлик кўришмоқда.**

**Айниқса, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламда олиб бориляпти.**

## КўЧАТЛАР ЭКИШМОҚДА

Майдонлар ва хиёбонлар, истироҳат боғлари ва маҳаллаларда, катта йўл бўйларида уюштирилган хашарлар оммавий тус олган. Деярли ҳар кун шундай тадбирлар ўтмоқда.

**Бахтижон ҚИДИРБЕКОВА.**

## ШУКУҲИНГ ЎЗГАЧА, НАВРЎ!

**Наврўз қадимдан халқимизнинг энг ардоқли байрамларидан бўлиб келган. Унга ойлаб тайёргарлик кўриб, катта шодоналар билан нишонланган. Кишлоқлар, маҳаллалар, овуллар ободонлаштирилиб, кўкламда дунёга келган чакалоқларга атаб ниҳоллар экилган.**

Байрам кунлари катта дошқозонларда сумалагу халимлар пиширилиб, етим-есирлар, камбағалларга улашилган. Шунинг учун, ушбу байрамни «меҳр-саховат байрами» деб ҳам аташлари бежиз эмас.

Байрам кунлари катта дошқозонларда сумалагу халимлар пиширилиб, етим-есирлар, камбағалларга улашилган. Шунинг учун, ушбу байрамни «меҳр-саховат байрами» деб ҳам аташлари бежиз эмас.

### «Мева-шарбат»

боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясида ҳозир иш айна қизиган пайт. Бир томондан боғларга шакл бериш яқунланаётган бўлса, иккинчи томондан бутун республика бўйича буюртма асосида мевали ва манзарали дарахт, ток ва гул кўчатлари жўнатишмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** агротехника бўлими *Моддий Разиқов шахиди Тулқин Орипов билан. Чапда бригада бошлиғи Қобилжон Раҳимжонов жўнатиш учун тайёрланган кўчатларни кўздан кечиришмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## Бугуннинг гапи

# ПУДРАТЧИ ШАРТНОМАДА ОШИРИБ ПАХТА СОТДИ

Лекин фойда ўрнига зарар кўрди. Нега шундай бўлди?

Ҳақиқатан ҳам ғалати ҳолат. Буни тушуниб етиш, оқилона таҳлил этиш, тўғри хулоса чиқариш учун, бизнингча, давлатимиз раҳбарининг яқинда Оқсарой қароргоҳида кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган йилгида баён этган фикр-мулоҳазалари, берган тавсияларини яна бир бор ҳижжалаб ўқиш, мағзини чақши керак бўлади. Чунки, асосий гап кишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг чала-йримлиги ҳақида бораяпти.

ратчини айблаш ноўрин, албатта. Чунки, 7 гектар ғаллазорнинг 2 гектарига сепилган уруғлик панд берди. Асл сабабини Эрийгитнинг ўзи ҳам аниқ билмапти. Уруғлик сифатсиз тайёрлангани ёки тағиди уруғбоп бўлмагани, хуллас, жуда сийрак бўлиб қолди. Барча майдонда кўчат текис бўлганда, ҳар йилгидек, ўзига камидан 10 тонна бугдой қоларди.

## ОЛМАЛИҚ ОРАСТА БЎЛАДИ

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Экосан» халқаро жамғармаси шаҳар бўлимининг саяё-ҳаракатлари ва ташаббуси билан шаҳар ҳудудининг санитар-экологик ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида «Тозалик ва покизалик» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида шаҳар ҳокимининг фармойиши эълон қилинди.

Танловда халқ таълими ҳамда ҳудудий тиббий бирлашма муассасалари иштирок этади.

## НАВБАТ - ПАХТАКОРЛАРГА

Баҳор ҳавосио кўклам нафасини биринчи бўлиб кишлоқ ахли хис этади десак, муболага бўлмайди. Зеро, сабзавоткор, боғбону соҳибкорнинг енг шимариб, дала ва боғларга чиққанига анча бўлди. Мана энди навбат пахтакорларга келди.

«Худойберган» ресторанига эса, шаҳарнинг фаол аёллари, маҳалла хотин-қизлари таклиф этилиб, байрам баъми ташкил қилинди. Маданият уйи халқ дастаси, фольклор-этнографик жамоаларининг куй-қушиқлари, театрлаштирилган томошаларидан иштирокчилар баҳра олишди.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ОЙЛИК ЯКУНЛАНДИ

Вилоят ички ишлар бошқармаси тизимида билимлар оқи ўтказиш яхши анъана бўлиб қолган. Шу кунларда навбатдаги маънавий чиниқчи ойлосига якун ясалаяпти.

**Шерали АНВАРОВ,**  
Вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг ходими.

### Қибрай. «Давр овози» газетаси тахририятида «Келинг, дундан гаплашайлик» мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

Солиқлар тизимидаси ислохотларнинг борлиги, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари, бурч ва масъулияти масалалари унинг мазмун ва мундарижасини ташкил этди.

**Ўз мухбиримиз.**

### «ВАТАНПАРВАР» ДОИМ КЎМАҚДОШ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашида 2002 йилда халқ хўжалигига мутахассислар етказиб беришда эришилган ютуқлар ва ишга тўсиқ бўлаётган муаммоларга бағишланган йилгили бўлиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

### Янги йўл. Шаҳар маданият уйида

корхона ва ташкилот хотин-қизлари, кекса онахонлар, ўқув муассасалари ўқувчилари ва маҳаллаларнинг фаол аёллари билан халқимизнинг сеvimли артисти Саида Раҳметованинг ижодий учрашувини бўлиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

Қонун ва ижро

Бугунги ҳаётимизда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида рекламанинг ўрни бениҳоят катта. Бозор муносабатларида алақачон ўтган ривожланган мамлакатларда йирик корхоналар эгалари, ишбилармонлар реклама учун керак бўлган маълумотни аниқлаш ва бундан юзқатиниб...

риоя қилган ҳолда ҳар хил шаклда тарқатилади. У турли услублар билан юридик ва жисмоний шахслар ҳақида, махсулотлар ва уларнинг белгилари, технологияларини ёритувчи воситадир. Унинг аҳамияти айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида, жамиятда ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасида рақобатнинг кучайган бир даврида ошиб боради.

лотни реклама қилиб таништириш учун ўша жойнинг тарихий манбаларини, айрим ўзига хос хусусиятларини албатта ҳисобга олиш керак. Шу боис, Олий Мажлиснинг 2002 йил 30 августдаги тўққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунига бир қанча ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Огоҳлик

ЎТГАН КУНЛАР САБОФИ

Шу йил 6 март кун Олмадак Компьютер ахборот технологияси касб-хунара коллежиди диний экстремизм, террорчи гуруҳлар таркибига адошиб кириб қолган, сўнгра ўз қилмишларидан пуншаймон бўлиб, кечирим сўраб келатган бир гуруҳ ёшларнинг ҳукуматимиз томонидан авф этилгани ҳақидаги «Ўзбек халқи бағри кенг, кечиримли халқ» «Тажовуз» ҳамда «Иштироб» видеофильмининг намойиши бўлди.

Бу тадбир «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди. — Бўлиб ўтган воқеаларнинг «огир ёки энгилли» уни ақл тарозисига солиб, муҳокама қилингандагина билинади, — деди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ўринбосари Диёр Алимов. — Тинчлигимиз, миллатлараро дўстлигимиз ва тараққиётимизга ҳавф солаётган рақиб кучлар ҳали ҳануз жим турмайдилар. Мамлакатимиз ёшлари бу борада хушёр бўлишлари, ривожланиб бораётган мамлакатимиз ҳавфсизлигини таъминлашга ўз улушларини қўшишлари зарур. Ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз шарт. Тинчлик ва оқолимизни таъминлаш борасида Республикаимиз Президентининг «Адашган ёшларни авф этиш тўғрисида»ги Фармони, кўрсатмалари ҳамда у кишининг «Ёшларни ҳеч қимга бермаймиз, фарзандларимизни ўзимиз тарбиялаймиз» деган сўзлари ҳар бир йигит-қизнинг қалбига, шуурида муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Шавкат ТУРОВА, «Тошкент ҳақиқати» махсус муҳбири.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ВА РЕКЛАМА

доимий истеъмолчиларга эга бўлишга қафолат

— Уни қуйидагича бўлақларга бўлиб тушунтирган маълумот, деб ўйлайман. Биринчиси, бу пул тўланган коммуникация (информация) формасидир. Иккинчиси, рекламада хабар қилинадиган маълумот учун нафақат хромийлар томонидан пули тўланади, балки уни ўзига номлаб олади. Учинчиси, кўпчилик ҳолатларда реклама сотиб олувчининг билвосита бошқаради, унга тасвир этади.

га ҳар томонлама ёққан буюм ёки махсулотни сотиб олишни истади. — Французлик тадқиқотчиларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, истеъмолчиларнинг 35 фоизи дўконлардан махсулот харид қилишдан аввал унинг ёрлигидаги ёзувларни ўқиб кўришади. Харидорларнинг кўпчилиги бўлса, ўзларига маълум савдо белгилари ёки машҳур савдо компаниялари махсулотларини харид қилишар экан.

тижорат мақсадлари учун бериладиган ахборотлар, янгиликлар ҳам реклама деб қабул қилинди. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, банкротга учраган, тугатилган корхоналар тўғрисидаги эълонлар, йўқолиб қўйилган ҳужжатлар, ходимларни ишга тақлиф этиш ҳақидаги эълонлар, тижорат мақсадини кўзда тутмаган ҳолатлар реклама ҳисобланмайди. Бундан ташқари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Қонунга киритилган қўшимчада телекўрсатувларда реклама давомиди товушини баъландатиш тақиқланади.

Ислоҳот

«ПАЛЛАДА ВОСТОК» ХОРИЖГА ҲАМ ИШЛАМОҚДА

Россия, Афғонистон, Туркия, Қозғистон... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Улар Олмаликдаги «Паллада Восток» ширкат корхонасининг чет эллик буюртмачилари бўлган мамлакатлардир. Жорий йилда улар сафига янги миқдорлар қўшилиши шубҳасиз.

Ўтган йилнинг бошида ўз фаолиятини бошлаган жамоа ишлаб чиқариш кўрсаткичларини мунтазам ошириб бораёпти. Дастлаб корхона тамғаси босилган беш хил маиший буюмлар бозорга чиқарила бошланди. Улар шампун ва тиш пасталари эди. Ишчи-хизматчилар сафида 157 нафар фуқаро меҳнат қиларди. Ҳозирга келиб махсулотлар турининг ўзи элликтага яқинла-

шартирилди, мавжудлари кенгайтирилди, замонавий асбоб-ускуналарни ўрнатилди. шунга яраша ишчи ўринлари сони ҳам ой сайин кўпайиб бораёпти. Ҳозирга келиб бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 700 кишидан ошиб кетди. Ўтган йили ишлаб чиқарилган жами махсулот ҳажми 5,5 миллиард сўмликни ташкил қилди. Жамоа халқаро хотин-қизлар кўни олдидан янги махсулот турларини тайёрлашни йўлга қўйди. Дўконларга «Bliss», «Султона» мойунаси етказиб берила бошланди. Бундан ташқари, цитрус мевалар ҳиди сингдирилган янги шампунларни тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. — Харидорлар талабини ўрганиш ҳамон давом этмоқда, — дейди корхона бош муҳандиси Убайдулла Миролмов. — Бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ишлашнинг муҳим шартларидан бири ҳам шундир. Эндиликда уни ҳеч вақт эътибордан четда қолдирмаслик



Собир ҲАМИДОВ. СУРАТЛАРДА: корхона бош муҳандиси Убайдулла Миролмов ва соловчи Фаниз Абдурахмонов иш юзасидан суҳбатлашяпти; тайёрланаётган махсулотларнинг намуналари. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва «Маҳалла» жамғармаси Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлигида «Маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув тизими менежменти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

МАҲАЛЛАДА МЕНЕЖМЕНТ

2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ўз-ўзини бошқарув идораларига янада юксак масъулият юклайди. Давра суҳбатида замонавий ўзини-ўзи бошқариш тизими менежменти, ушбу тизимни молиялаштириш йўллари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва давлат идоралари ўртасидаги муштарак масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик, бу борада Германия тажрибалари таништирилди. Суҳбатда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими вакиллари, вилоят ҳокимликларида фаолият юритаётган мутахассислар, Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари ва журналистлар иштирок этди.

Мазкур давра суҳбати Конрад Аденауэр фондининг Ўзбекистонда фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув идоралари учун амалга ошираётган лойиҳаларидан бири ҳисобланади. «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда суҳбатга ўхшаш давра суҳбатлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўтказилиши кўзда тутилмоқда. «Туркистон-пресс».

"Қурилиш, интерьер, иситиш ва вентиляция"

Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Қурилиш, интерьер, иситиш ва вентиляция» - Ушбу 2003 халқаро кўргазмаси очилди. Туриничи бор ўтказилаётган мазкур кўргазмани Британиянинг IFE Group PLC кўргазма компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Леза-Осию компанияси ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва «Узқурилишматериаллари» акционерлик компанияси лойиҳани расман қўллаб-қувватлади.

ечимлари билан қарши олмақда. Шу муносабат билан шаҳарсозлик ечимларини яхшилашда янги ёндашувларни ёритиш, сифат жиҳатдан янги қурилиш материалларидан фойдаланиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бу кўргазма Ўзбекистонда қурилиш санаятига бағишланган ягона халқаро кўргазма ҳисобланади. Лойиҳа мамлакатимизда қурилиш бозорига турли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, санаят ва капитал қурилиш учун технология ва ускуналарни тақдим этади, дунё қурилиш санаятидаги йўналишлар ва янгиликларни намойиш қилади. Лойиҳада Австрия, Бельгия, Германия, Италия, Франция, Финляндия ва бошқа мамлакатлардан 35 та компания иштирок этмоқда. Ўтган йилга нисбатан чет эллик қатнашчилар сони ва кўргазманинг умумий майдони ортди. Кўргазмада мамлакатимиз ва хорижий компанияларнинг иштирок этиши кўргазма мамлакатимиз

керак. Жамиятимиздаги қатор етук мутахассислар шу масала билан шуғулланадилар. Улар бозорларни ўрганадилар, миқдорлар билан маслаҳатлашадилар, ҳозир эҳтиёж катта бўлган махсулотлар турини аниқлайдилар. Бунинг натижасида бозори чаққонларини тайёрлаш кўпайтирилди, султотилаётганлари эса, қамайтирилди, ўрнига янгисини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бизнинг махсулотимизга ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам талаб қамаймаслигига ишончимиз қомил. Чунки, жамиятимиз Марказий Осиёда шу тармоқнинг етакчи корхонаси ҳисобланади.

Собир ҲАМИДОВ. СУРАТЛАРДА: корхона бош муҳандиси Убайдулла Миролмов ва соловчи Фаниз Абдурахмонов иш юзасидан суҳбатлашяпти; тайёрланаётган махсулотларнинг намуналари. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Маънавият

ОНА СОҒЛОМ БЎЛСИН

Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан ишлаб чиқилган режа дастурига мувофиқ Бекобод тумани марказий шифохонасида «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ҳамда «Саломатлик» институти филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир «Соғлом аёл, соғлом келажак» мавзусига бағишланди.

Унда тумандаги фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, котиблари, тарбиячи-педагоглар, тиббий муассасалар ходимлари, ўқув юртлари, мактаб, боғча ва маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ҳамширалар, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, «Саломатлик» маркази ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислоҳот Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий йўналишлар бўйича вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, ҳатто энг чека қишлоқларида ҳам ана шундай учрашув ва тадбирлар бўлиб ўтаётди.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтаришга йўналтирилган илоҳотлар олиб борилмоқда. Бекобод тумани марказий шифохонасида ўтказилган тадбир ҳам бу борадаги илоҳотларнинг мақсад ва вазибаларини ҳамда аёллар ва ёшлар ўртасидаги камқонлик касаллигининг олдини олиш бўйича давлатимиз сиёсатининг моҳиятини тушуниришга қаратилди.

Тадбирда «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари муовини Абдурахмат Норқокилов, «Саломатлик» институти вилоят филиали директори Мавжуда Эргашова, вилоят ОИТС маркази шифокори Муяссар Хикматова, Бекобод тумани бошқаруви марказий полиликниқаси мудири Ибодат

Ўтамбуеваларнинг бу борадаги маърузалари тингланди. Асосий диққат-эътибор ҳуқуқий давлат ва демократик жамиятни барпо этишда меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланишининг устувор йўналишлари, аҳоли ўртасида кўп учрайдиган камқонлик, бўқок сингари касалликлар ва уларни келтириб чиқарадиган омиллар хусусида тушунчалар берилди. Шунингдек, аср вабоси ВИЧ/ОИТС муаммоларининг олдини олиш, оилаларда ва аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини аҳоли ҳаётига сингдириш асосий вазифа эканлиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан меҳнат фаришиси Малик Эгамов, Давларзин қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Ортикали Абдуғаниев, педагог Илхом Худойбердиев, Зафар қўргони фуқаролар йиғини котибаси Саида Сувонова ва бошқалар бундай учрашув ва суҳбатларнинг тез-тез ўтказилиши турлиси яхши натижалар бераётганини таъкидлади, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу кун тадбир иштирокчилари Наврўз байрами арафасида ишга туширилаётган, қайта таъмирланиб замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 60 ўринли марказий тўғруқхона мажмуи билан танишдилар.

Шавкат ҚУЛИБОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Ҳомийлик

«БЕКОВОДЦЕМЕНТ» ҲИММАТИ

«Бекободцемент» ҳиссасдорлик жамияти жамоасининг оталик ташкилоти сифатида мактабимизга қўрсатаётган ёрдами ва ҳамқўрлигидан ўқитувчи ва ўқувчиларимиз миннатдор бўлмақдалар. Яқинда комбинат бизга яна бир катта моддий ёрдам кўрсатди. Замонавий мебеллар — стол-стуллар, диван, кресло сингари жиҳозлар, шунингдек, 6 донга гилам ҳадая этилди. Корхона маъмурияти мактабда спорт ишларини яхшилаш учун 660 минг сўмлик моддий ёрдам қўрсатишни ҳам режалаштирди. Ҳомийимизнинг оталик ёрдами тўғрисида мактабимиздаги маънавият ва маърифат, касб танлаш хоналари ўзгача дид билан жиҳозланди. Дилором САИДУМАРОВА, Бекобод шаҳридаги 1-мактаб директори.

Тиббиёт

Зангиота туманида сиз касаллигининг олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ОЛДИНИ ОЛГАН Фойда

Айни кунларда аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Асосий эътибор профилактика ишларини кучайтиришга қаратилади. Тиббий масканлар, маҳаллаларга «Аҳоли диққатига» эслатмалари тарқатилди.

Эркин ЖУРАБОВ, туман «Саломатлик» марказининг бош шифокори.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



81-модда. Ваколат мўддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги қақирик Олий Мажлиси иши бошлагунга қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай қақирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимияти амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлик бошқарувида ўтганлиги муносабати билан республиканинг янги Конституцияси, Олий Мажлис тўғрисидаги Қонун Олий Мажлис ваколатларини, унинг асосан, қонун чиқарувчи орган эканлигини белгилади.

Асосий қонунимизни ўрганамиз

ҳокимияти ваколатларини ўзгартириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги таркибларини тузиш Конституцияга ҳилоф ҳисобланади ва қонунга биноан тегишли тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз фаолиятини унинг тарихига сайланган депутатлар орқали амалга оширади.

Олий Мажлис депутати ўз сайловчиларининг, шунингдек, уни депутатликка номзод қилиб қўриган тегишли сиёсий партия ёки ҳокимият вакиллик органларининг вакили бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг вакиллик ва қонун чиқарувчи орган сифатида мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутуши турли қақирик Олий Мажлис фаолиятидаги ворисийликнинг зарурлигини таъминлайди. Шу боис, ваколати тугаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги қақирик Олий Мажлиси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттиради.

Янги қақирик Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида Марказий сайлов комиссиясининг раиси депутатларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловининг натижалари тўғрисида хабардор қилади.

Эрғаш САЙИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошчилигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

Воқеалар, тадбирлар

ҲАР ИШДА МАЛАКА КЕРАК

Бекқобод шаҳрида кичик ва ўрта бизнес қорхоналари, хусусий тадбиркорлик тузилмалари таъсисчилари учун ўқувлар ўқотирилмоқда.

Хусусан, ишбилармонлар ўз ҳуқуқлари ва вазифаларини тўла билишлари ҳамда хусусий мулкчиликни ривожлантиришга қаратилган янги ҳужжатлар мазмуни ва моҳиятини тўғри тушунишлари учун вақти-вақти билан кенгаши-семинарлар ўтказилди.

Навбатдаги шундай тадбир тадбиркорлар шаҳар давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари билан ўрашди. Мулоқотда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган янги фармонлар, қарорлар, бу ҳужжатларга амал қилиш вазифалари, солиқларни тўлаш тартиби ҳақида сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз.

«АМБУЛАНС» — ЯНГИЙЎЛДА

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими «Амбуланс» тиббий патронаж шифокорлари бир ҳафта мобайнида Янгийўл шаҳар маҳаллаларида бўлишди.

Олий тоифали бир гуруҳ мутахассислар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб, ёш авлодни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашга доир ўз маслаҳатларини бердилар.

Сафар иштирокчилари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Янгийўл шаҳар бўлими билан ҳамкорликда «Кичкинтой» болалар уйига ҳам ташир буоришди. Шу кун 50 нафар кичкинтой тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга 150 минг сўмлик Наврўз тўқфалари топширилди.

Шифокорлар гуруҳи шаҳарнинг Фарход, Муस्ताкил, Мўқимий номи маҳаллаларида ҳам 180 нафар она ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказишди. Улардан 15 кишига республика шифохоналарида даволаниш учун йўллама берилди, 68 кишига эса, меҳр-муруват ёрдами кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз.

«ҚЎШЧИНОР»ДА ҚАҲҚАҲА

Паркент туманидаги «Қўшчинор» истироҳат боғида Ўзбекистонда демайд кўрсатган артист Сайёра Қозиева ва кизикчи Ҳожибой Тожибоевларнинг концерт дастури бўлиб ўтди. Баҳорнинг илк кунларидаги ушбу санъаткорлар ташифи, улар ижросидаги ҳазил-мутоба, жозибдор куй-қўшиқлар тадбирда иштирок этган туман аҳлига бир олам завқ бағишлади.

Хуришда НАЗАРОВА.

Дехқон баҳори

ДАЛА СОҒИНЧИ

Табиийки, ҳар биримиз ҳар йили фасллар келинчаги баҳорнинг келишини интиқлик билан кутамиз. Сабаби аён. Кўкдам янги орзу, янги ният, янги режаларни олиб қиради қалбимизга. Бу ниятлар айниқса, дехқонга асло интиқлик бермайди ва шу билан бирга унинг кучига куч, қувватига қувват қўшади.



Бирок, баҳорнинг биринчи кунини далаларни ҳеч қўрилмаганда олоқ қор қоплади. Бунда ҳам равиий маънони уққандек бўлди. Кўкдам дехқонларнинг улкан ишлари бароридан келсин деб, уларга ок йўл тилагандек бўлди. Аслида ҳам шундай. Экин майдонлари қанчалик намга тўйинса, экинларнинг ривож, ҳосил тўплаши шунчалик яхши ва баракали бўлади.

— Албатта-да, — дейди Тошкент тумани кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Ақром Қодир-хўжаев. — Биласиз, туманимизда галлачилик етакчи тармок ҳисобланади. Мақсадимиз йилдан-йилга галла ҳосилдорлигини ошириб бериш. Намгарчиликнинг яхши бўлиши эса, айни муддаодир. Бунинг устига галлакорларимиз тажрибали бойиб бораётгани ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Дехқонлар ўзлари эришаётган юқори натижалар билан асло қиёфаланиб қол-

экишга ихтисослашганлиги гоёт катта самара берапти. Яъни маҳсулот йилдан-йилга кўпайиб, ҳосилдорлик ортиб бормоқда. Дейлик, навойилқлар қартошка етиштиришга моҳир бўлсалар, «Тошкент» ширкат хўжалиги дехқонлари помидор етиштиришнинг ҳадини олишган. Энг муҳими шуки, етиштирилган помидор ҳосили хўжаликнинг ўзида қайта ишланади, кўпроқ томат маҳсулоти тайёрланади ва ихчам идишларга жойланиб, сотувга чиқарилади. Бундай маҳсулотга талаб катта. Хориж мамлакатларига ҳам жўнатиб турилади. Шу ҳисобига катта даромад қилинади. Фуломмаҳмуд Абдуллаев номи ширкат хўжалигида пудратчилар қарам ва сабздан юқори ҳосил олиш сирларини яхши эгаллаганлар. Шунинг учун улар мўмай даромад қилади. Ўз турмушларини тобора яхши-лаб боришга эришмоқдалар.

Хозирги куннинг ўзидаёқ эртаки сабзавот етиштиришга замин тайёрлаб қўйилди. Иссиқхоналарга сепиб қўйилган помидор уруғи униб қиқиб, ривожга кирди. Узоғи билан мартнинг охири, апрелнинг бошларидан очик далага чиқариб экилади. Шу зайдла ҳар гектаридан камидан 400-500 центнердан ҳосил олишга асос яратилади. Катта-катта майдонларга плёнка тағига экиб қўйилган қарам кўчатлари ривожга ҳам яхши. Дехқонларнинг айтишига қараганда, бу кўчатлар урвога барвақт қиради, апрель ойининг ўрталарида ҳосил пишиб етилади. Май ойининг ўнинчиларига бориб, оммавий қарам сотишга қиришилади.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«Лекин»и шундаки, уруғлик чигитни тайёрлаб бериш, ўғит, гербицид, дефолиант ва бошқа кимёвий дорилар, ёнилги, техника хизмати ҳақлари кейинги йилларда кескин ошгани сир эмас. Бундан ташқари хўжаликнинг ҳам рўйхат қилinsa, бир қулоч бўладиган турли хил тўлов ва бошқа мажбурий харажатлари бор. Булар ҳам пудратчи етиш-

пудратчи ва хўжаликнинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ қайд этиб қўйилган қонуний ҳужжатдир. Шундай экан, унда ҳар икки томоннинг маффаатлари бирдек ва тенг ақс этган бўлиши керак. Президент таъкидлаганидек, шартномалар тузишнинг бугунги тартибинан тикнайдий қўриб чиқиш зарур. Чунки, шартномалар бир томонлама, яъни хўжалик ман-

ПУДРАТЧИ ШАРТНОМАДАН ОШИРИБ ПАХТА СОТДИ

Лекин фойда ўрнига зарар кўрди. Нега шундай бўлди?

фаатига кўпроқ устунлик бериб тузилаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Чунончи, Эрийгит Бобоқулов билан хўжалик бошқаруви ўртасида тузилган шартномада ҳам, бизнингча, бироз бўлсада, бир-рўқламалликка йўл қўйилган. Биринчидан, хўжалик бўйича ҳосилдорлик режаси 24,3 центнер бўлгани ҳолда Эрийгит учун 27,5 центнер килиб белгиланган. Тўғри, ҳосилдорлик ерларнинг бонитет балларига қараб табақалаштирилади. Лекин, бу қадар катта фарқ бўлиши галати туюлади. Иккинчидан, пудратчининг режадагидан ортиқча топширган пахтаси учун қандай тартиб ва нарҳда ҳақ тўланиши, бизнингча, шартномада кўрсатиб қўйилиши керак. Лекин, унда бундай бандни қўрмадик. Фақат топширган ҳар тонна пахтаси учун 19 килограмм пахта ёғи, 73 кило-

грамм шрот, 66 килограмм шелуха иш ҳақи ҳисобидан берилиши қайд этилган. Галлачиликда ҳам вазият шундай. Ширкат хўжалиги бўйича 27,5 центнердан ҳосил олинса, давлатга дон сотиш шартномаси бажарилади. Пудратчилар билан эса, ўртача 42 центнер юзасидан шартнома тузилади. Ўртадаги фарқ катта эмасми-кан? Турли тўлов ва сарф-харажатларнинг асосий оғирлигини пудратчилар зиммасига юклаш тўғри бўлармикан? Ҳақиқатан ҳам булар жиддийроқ ўйлаб қўрилиши лозим бўлган долзарб муаммолардир. Бунинг ечимини топиш учун амалдаги намунавий шартномаларга тезроқ жиддий ўзгартиришлар киритиш зарур.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Ташаббус

сўзлаб, унинг аҳамияти ва сабабларини тушуниб бериши лозим. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи билими бўлиши керак.

Тадбирда ўқувчилар бир ой давомида ўрганган билимларини саҳна кўринишларида намоиш этдилар. Масалан, тарихга «Дуқчи Эшон қўзғолони» номи билан кирган воқеа, Амир Темурининг Боязид билан жангдан кейинги суҳбати каби саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот уйғотди.

Шу кун тил ва адабиёт ойлигига старт берилди. Ушбу фан ойликлари йил давомида 9 та фан бўйича бўлиб ўтади.

Равайн ЕҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лаҳзалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

МАКТАБЛАРДА ТАРИХ ОЙЛИГИ

Зангиота тумани халқ таълими бўлими янги ташаббус бошлади. Туман мактабларида ўқувчиларнинг билим ва савияларини кўтариш, дарс жараёнининг ўзида ўқитувчиларнинг малакаларини ошириб боришларини кўзлаб, «Фан ойликлари»ни ўтказишга қиришилди.

Дастлаб, февраль ойида «Тарих фани ойлиги»га старт берилган эди.

Кунчи кеча ойлиқнинг якуний тадбири тумандаги 25-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Унда мактаб раҳбарлари, фан ўқитувчилари, тарих фани олимлари иштирок этдилар. — Ушбу ташаббуснинг аҳамиятли жиҳати шундаки, — дейди туман халқ таълими бўлими бошлиғи Шавкат Мадумаров, — ўқувчига дарс бериш жараёнида ўқитувчи ҳам ўз билимини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. Бунинг тарих фани ойлиги мисолида тушунириб берсам. Айтайлик,

кирди. У ойлик давомида тарих фанини ҳам ўқишга, ўрганишга мажбур. Чунки, дарснинг 10-15 дақиқасини шу мавзуга ажратади. Ана шу вақтда у бирон бир тарихий воқеани



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! ALP JAMOL BANK

XUSUSIY OSNIQ AKTSIYADORLIK-TIJORAT BANKI. НАВРЎЗ байрами арафасида Қўрай шаҳрининг Зебинисо кўчаси, 7-«а» уйда жойлашган янги, замонавий банк биносида «Алп Жамол Банк» ўз ишини бошлашни маълум қилади ва Сизни ҳамкорликка қорлайди, Сиз учун аjoyиб имкониятларни яратиб беради! Яъни:

- Миллий ва хорижий валютада ҳисоб рақамлар очади ва юри-тади. Ҳисоб рақамлар очиб учун ҳақ олинмайди. Мижозларимизнинг тўлов ва касса амалиётлари бўйича кўрсатилмайдиган хизматлари учун имтиёзли ҳақ (тарифлар) ўрнатилган.
• Тўлиқ иш кунини давомида банк хизматларининг барча турларини, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият бўйича кенг қўламдаги ишларни бажаради.
• «ТЕЛЕБАНК» дастурий тизими орқали ҳисоб рақамингиз бўйича мунтазам ва тўлиқ овозли маълумот берилади.
• «Банк-миқоз» дастурий мажмуаси орқали мижозлар ҳисоб-китоби амалиётларини юритади.
• Хўжалик юритувчи субъектларга, хусусий тадбиркорларга, барча турда кредитлар берилади.
• Ўрта ва кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришга қаратилган ҳар бир лоийҳаси имтиёзли фойзалар асосида молиялаштирилади.
• Аҳолидан бўш пул маблағларини улар учун қулай шартлар ва юқори фойзалар эвазига омонатларга қабул қилади.
• Кўрсатаётган хизматларимиз жаҳон андозларига ва замон талабларига жавоб берадиган энг юқори даражада бўлиб, нисбатан энг арзон нарҳда.
• Мижозларнинг ҳар бир тақлифини кўриб чиқади ва барча муаммоларини ҳал этишда кўмақдос бўлади.
• Хурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар, банкимизга марҳамат! Келинг, билинг, синаб кўринг ва хизматимизга баҳо бering!

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қўрай шаҳри, Зебинисо кўчаси, 7-«а» уй. Мурожаат учун телефонлар: Қўрай туманида: 63-848; 63-977. Тошкент шаҳрида: 60-57-96; 60-58-92.

Абдусмад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕК ОЛИМИГА АҚШ МУКОФОТИ

Олим Анвар Зоҳидов Американинг «Йилнинг энг яхши муҳандиси» мукофоти совриндори бўлди.

Ўзбек олимнинг номзоди у бир йилдан бери шартнома асосида ишлаётган Техас штати университети томонидан курсатилган.

Бўлажак олим Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетини битириб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимида ишлади.

Профессор А.Зоҳидов нанотехнологиялар соҳасида илмий излашлар олиб боради. Нанометр микрондан минг мартаба кичик бўлган ўлчов биригидир.

Мамлакатимиз вакилига АҚШнинг юксак даражадаги мукофоти топширилган илм-фан ва технология соҳасида давлатларимиз ўртасидаги узаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Б. МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА.

Кун пешиндан отганда Мирафзални (айрим сабабларга кўра баъзи исмлар ўзгартирилди) сўраб аёли Насиба келиб қолди.

— Мен қаёқдан билай... Агар ўн-ўн беш дақиқа илгарироқ келганида, бу аёл шу хонадон эшигидан чиқиб, катта йўлга томон илдамлаб кетишган Шаҳзод билан жияни Тўлқинни, Раъно опани кўрган бўларди.

Кечки пайт Насиба онаси, қўшни йигит Дилмурод билан яна эрини сўроқлаб келди. Бу пайт Нуриддин туғруқхонага кетган эди.

Умидвор рафика...

Дарҳақиқат, Мирафзал кеча кечкурун Нуриддин, унинг укаси Шаҳзод, жиянлари Тўлқин билан юрганини кишлоқда одамлар кўришганди.

— Яхши қилибсиз, — деди у меҳмонлар билан сўрашиб бўлгач, онасига. — Халиги шофер бор-ку, «Дамас»да Санобарни туғруқхонага олиб борган, шунга: «Ош дамлатиб келаман», — деб ваъда бергандим.

— Ана энди, йигитлар, янги меҳмонни ювамиз, — деди қолди.

— Кўйинг, тоға, — деди жиян. — Кеч энди. Қолаверса, дўконлар ҳам аллақачон ёпилди.

— Ҳе, бизларда дўкон кунга ўттиз соатлаб ишлайди, — қариллади Шаҳзод.

— Дадангини чақир, — буюрди Нуриддин. Тоҳир ака йўлгада пайдо бўлди.

— Ҳа, йигитлар, бемаҳалда? — Фарзанд кўрдим, ака, шунинг хурсандчилигига... — деди Нуриддин.

— И-е, и-е, ҳуб яхши бўлибди, — таратдулланди дўкондор. — Қўтлуг бўлсин янги меҳмон. Нуриддин беш шиша вино сўради.

— Тунов кунги идишлар ҳам келмади-я, ука, — эслатди Тоҳир ака шишаларни сумкага солаётиб.

— Мен ҳозир-р, — гўдранди у ва жойидан селиниб кўзгалди. — Хо-о-зир... Унга Тўлқин ҳам эргашди. Йўлда Мирафзални учратишди.

— Юринг, отамлашамиз, — тақлиф қилди Шаҳзод қўшини. — Жиян кўрдик. Учовлашиб Тоҳир аканинг эшигида пайдо бўлишди.

Б. МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА.

Залнинг қўлига ўтди... Уйда Фани амаки бошини столга қўйганича уқлаб қолган, Нуриддин қараётганда узола чўзилиб ётарди.

— Бирин-кетин кўзга олишиб, яна янги меҳмонни ювиш бошланди. Қосагули Шаҳзод вино тўлдириб қўйилган пийлани акасига узатаётиб, Мирафзалнинг ўнг қўли бош бармоғида ярқираб кетган тилла узукка кўзи тушиб қолди.

— Узингизни тўтинг, ака... — деди у ўтирган жойида.

Шундай дейишни билади, Нуриддин Мирафзалнинг кўрагига мушт туширди. У ўзини ўнглаб, ўрнидан турди-да, ташқарига отилди.

УЗУКДАГИ ҚИЗГИШ ДОҒ ёки Оқкўрғон туманида содир этилган бир қотиллик ҳусусида



Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди «Оқкўрғон» ширкат хўжалигининг 4-бригадаси далолида содир этилган жиноят ишлари қўриб чиқиб, Нуриддин Комилловни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 97-моддасининг 2-қисми «в», «ж», «и», «о» ва «п» бандлари, 164-моддасининг 3-қисми «г» ва 276-моддасининг 1-қисми билан қотилликда айбли деб топди.

— Дўкондорнинг қизи айтди, кечаси Шаҳзод, жияни Тўлқин билан бирга экан. Дўкон эшигидаёқ бир шиша винони уч бўлиб ичиб олишибди.

— Қўрқамди, — деди Нуриддин. Уни туман ички ишлар бўлимига тақлиф қилишди. У ерда бошлиқнинг биринчи ўринбосари милиция майори Аъзам Файзиев суриштиришни давом эттирди.

— Уканг қани?... Қисқаси, Нуриддинга ука билан жияни топиб келиш буюрилди. Уларни Қўйилқанд топишди.

— Мирафзал қани? — Кўрмидим, — деди Нуриддин. Уни туман ички ишлар бўлимига тақлиф қилишди.

— Қисқаси, Нуриддинга ука билан жияни топиб келиш буюрилди. Уларни Қўйилқанд топишди.

Аммо, тоға-жиян гапни бир жойга қўйиб олишган эди: — Кўрмаганмиз... — Билмаймиз...

— Бирин-кетин кўзга олишиб, яна янги меҳмонни ювиш бошланди. Қосагули Шаҳзод вино тўлдириб қўйилган пийлани акасига узатаётиб, Мирафзалнинг ўнг қўли бош бармоғида ярқираб кетган тилла узукка кўзи тушиб қолди.

— Узингизни тўтинг, ака... — деди у ўтирган жойида.

Шундай дейишни билади, Нуриддин Мирафзалнинг кўрагига мушт туширди. У ўзини ўнглаб, ўрнидан турди-да, ташқарига отилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди «Оқкўрғон» ширкат хўжалигининг 4-бригадаси далолида содир этилган жиноят ишлари қўриб чиқиб, Нуриддин Комилловни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 97-моддасининг 2-қисми «в», «ж», «и», «о» ва «п» бандлари, 164-моддасининг 3-қисми «г» ва 276-моддасининг 1-қисми билан қотилликда айбли деб топди.

— Дўкондорнинг қизи айтди, кечаси Шаҳзод, жияни Тўлқин билан бирга экан. Дўкон эшигидаёқ бир шиша винони уч бўлиб ичиб олишибди.

— Қўрқамди, — деди Нуриддин. Уни туман ички ишлар бўлимига тақлиф қилишди.

— Қисқаси, Нуриддинга ука билан жияни топиб келиш буюрилди. Уларни Қўйилқанд топишди.

— Мирафзал қани? — Кўрмидим, — деди Нуриддин. Уни туман ички ишлар бўлимига тақлиф қилишди.

— Қисқаси, Нуриддинга ука билан жияни топиб келиш буюрилди. Уларни Қўйилқанд топишди.

— Мирафзал қани? — Кўрмидим, — деди Нуриддин. Уни туман ички ишлар бўлимига тақлиф қилишди.

— Қисқаси, Нуриддинга ука билан жияни топиб келиш буюрилди. Уларни Қўйилқанд топишди.

— Мирафзал қани? — Кўрмидим, — деди Нуриддин. Уни туман ички ишлар бўлимига тақлиф қилишди.

— Қисқаси, Нуриддинга ука билан жияни топиб келиш буюрилди. Уларни Қўйилқанд топишди.

— Мирафзал қани? — Кўрмидим, — деди Нуриддин. Уни туман ички ишлар бўлимига тақлиф қилишди.

Ю. ЖУМАНИЕВ

«ПАХТАКОР»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ



Ўтган йили бошланган Осиё чемпионлари лигаси мусобақалари масбулятли паллага кирди. Дастлабки босқич ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, чорак финалга йўлланма олган 16 та жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақаларни бошлади.

Кўра натижаларига кўра «Пахтакор» «Пирузи» (Техрон, Эрон), «Ал-Талаба» (Богдод, Ироқ), «НИСА» (Ашхобод, Туркменистон) жамоалари билан «Д» гуруҳида ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ушбу нуфузли мусобақага катта тайёргарлик кўрилди. Биринчи бўлиб майдонга мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» ва «НИСА» жамоалари тушди.

Учрашувнинг бошидагина туркменистонлик футболчилар майдон эгаларига қарши фаол ҳаракат қилиб, тенг ўйин кўрсатдилар.

Учрашувнинг бошидагина туркменистонлик футболчилар майдон эгаларига қарши фаол ҳаракат қилиб, тенг ўйин кўрсатдилар.



Югуриш йўлкаси кутмоқда

Мамлакатимизда энгил атлетикани янада оммавийлаштириш мақсадида Наврўз байрами арафасида эстафетали югуриш умумхалқ ҳафталиги ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида беш гуруҳда - умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юрталари талабалари, кишлоқ аҳолиси, шахар қорхоналари ходимлари ҳамда маҳалла аҳлидан тuzилган жамоалар ўртасида ўтказилади.

Беллашулар 11-16 март кунлари Андижон, Фаргона, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилояти ва пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

ЯПОН МАКТАБИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАРСИ

Сайтама префектурасининг Хонжо шаҳри марказидаги Гиғиши мактабидида 8-синф ўқувчилари учун Ўзбекистонда бағишланган дарслар ўтказилди.



Мазкур лойиҳа Гои тинчлик жамғармасининг «Тинчлик таълими дастури» асосида Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси томонидан амалга оширилган бўлиб, япон болаларининг мамлакатимиз ҳақидаги билимларини оширишга йўналтирилган.

Тадбирнинг муҳим томони шундаки, ўқувчилар машгулотлардан аввал мустақил равишда республикамизга доир турли маълумотлар тўплашди.

Уларнинг «Дунёда тинчлик бўлсин!», «Ўзбекистонда тинчлик бўлсин!» каби лотин алифбосида ёзилган катта плакатлари киши қалбидида чексиз мағрурлик ҳиссини уйғотди.

Утказилган дарсларда Ўзбекистоннинг жаҳон харитасидаги ҳудуди, унинг тарихи, хусусан, Буюк ипак йўлида тутган муҳим ўрни ҳамда халқимиз маданиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, машгулотлар

Сканворд

Word search grid with clues: Бир дона, елғиз; Юраги тор, тажанг; Исен; Тахмин, чама; Битган ўра, яридаги чандик; Саъй-ҳаракат; ... узди, занго-малар; Кичик, кўрimsиз уй; Вертикал; Данаги билан қуритилган урик; Полиз экинни; Физика бўлими; «Яхши қамд... ёмон пана» (мақол); Жўхори унидан ёпилган нон; Ошқор, маълум; Миллат; Нефть маҳсулоти; Ойна уратилмаган дераза; Пичоқнинг кескир қирраси; Уста; Тайёр, шай; Ўз ишининг мўжиз устаси; Мардлар сингари; Айрувчи боғловчи; Юз йиллик давр; Воёла етган кыз; Ойла тарбиячиси; Кана тормоғи; Расмий ҳужжат.

Тузувчи: Ақромжон ХУҲАМОВ.

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

Сут эмизувчилар синфига қирадиган вази энг энгил ҳайвон бу сичқонсимон — лемур бўлиб, унинг оғирлиги атиги 60 граммдир. Бу синфнинг қуруқликда яшайдиган вакиллари орасида энг оғир хинд фили бўлиб, вази тўрт тоннадан ортиқроқдир.

Сут эмизувчилар орасида энг чопқир ҳайвон — гепард бўлиб, у соатига юз чақиримдан ҳам юқори тезликда югуриши мумкин.

Насл қолдириш бўйича энг юқори натижа — каламушларга тегишли. Улар уч йилча умр кўриб, 800-900 атрофида болалар экан.

Кўнғизнинг энг йириги ҳозирча Экваториал Африкада учрайди.

Капалақлар ўртасида энг каттаси Янги Гвинеяда яшайдиган Қиричона Александра номли капалак бўлиб, бу нафис жонот 28 сантиметрга етади.

Қушлар дунёсининг энг йирик вақили Африка туяқушлари саналади. Улар 156 килогача тош босади.

Энг митти қушча — Колибридир. Энг юксакликда учадиган қуш — Нил оқушларидир. Улар 17 километр баландликда парвоз этишади.

Вмасизми? Кўнганга Нима Етсин! Уғри деразадан уйга кирса, хонанинг ўртасида катта ит ётганмиш, қандил устида эса тўти ашула айтиб ўтирган экан. Ит ўғрини кўриб индамабди. Тўти эса, ўғрига қараб: — Салом! Салом! — дебди. Уғри шошилаётган бўлса-да, алик олиб, иккита қопга қимматбахона нарсаларни солиб, кетишга ҳозирланиб турган экан. Тўти яна: — Салом! Салом! — деб гапирди. Уғри: — Эй, эси паст тўти, бошқа сўзларни ўргансан бўлмасмиди? — деган экан, Тўти яна тилга кирибди: — Олапар уни бос!

Бир киши «Буюртма тортлар дўқони»га кириб, сотувчидан илтимос қилибди: — Менга хов анави шоколадли тортни берсангиз. — Маҳкамат. — Илтимос, устига «Соғ ва саломат бўл, Вася!» деб ёзиб беринг. Айтганини қилишибди. — Картон қўтига солиб берайликми ёки салафанга... — Қадқоламсангиз ҳам бўлади, барибир уни ҳозир еб қўяман.

TOШKЕНT ҲАҚИҚАТИ. Муассис: ТОШKЕНT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Бош муҳаррир ФАТҲИДДИН МУҲИДДИНОВ. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълолар: 133-70-10, 136-53-80. Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақам билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тирланди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрлиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.